

ДЕБИТОР ҚАРЗЛАРИНИНГ АЙЛАНИШИ ТАҲЛИЛИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Холмирзаев У.

Наманган муҳандислик қурилиш институти

Аннотция: Мақолада хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги дебитор қарзларининг айланиши таҳлилини такомиллаштириш масалалари ёритилган. Бу борада дебитор қарзларини айланиш сони ҳамда даврини аниқлаш усуллари оид аҳамиятли таклифлар билдирилган. Такомиллашган усулларни қўлланилиши эса таҳлил натижаларининг аниқлигини янада оширади.

Калит сўзлар: дебитор қарзлари, дебитор қарзлари таҳлили, дебитор қарзларини айланиш сони, дебитор қарзларини айланиш даври, маҳсулот сотишдан соф тушум, маҳсулот сотишдан даромад.

1. Кириш.

Хўжалик юритувчи субъектларда бизнес фаолияти натижасининг самарадорлиги кўп жиҳатдан капитал айланишини тез амалга оширилишига боғлиқ. Капитал айланишида фаолият учун зарур бўлган активлар ҳамда меҳнат сарфи муайян давр оралиғида таъминот, ишлаб чиқариш, сотиш ҳамда муомала босқичларидан ўтиб сарфланган харажатларга нисбатан, яъни олинган фойда миқдорича кўп бўлган пул маблағи келишига эришилади. Ҳисобот даврида бу жараён қанчалик тез ва кўп марта амалга оширилса олинган самара ҳам юқори бўлади. Таъкидлаш керакки, капитал айланишида ҳар бир босқични ўрни ўта муҳим ҳисобланади. Чунки, тайёр маҳсулотни энг ликвид молиявий актив ҳисобланган пулга айланиши босқичида олинган маблағни яна таъминот ҳамда бошқа мақсадли фаолиятларга сарфланишида етарли бўлиши хўжалик юритувчи субъект бизнес фаолиятининг барқарор ривожланишини таъминлашдаги асослардан биридир. Бу борада, "илғор халқаро тажрибада қўлланиладиган инструментлардан фойдаланган ҳолда пул-кредит сиёсатини янада такомиллаштириш" ҳар бир субъект учун долзарб вазифадир.[1]

Дебитор қарзлари ҳам тайёр маҳсулотни пулга айланиш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муомала туридир. У сотилган маҳсулот учун тўловни айнан айрбошлаш куни эмас, балки келишилган муддат бўйича кечиктириб тўлаш тартибида юзага чиқади. Демак, ишлаб чиқарувчига сотилган маҳсулот учун тўлов (тўла ёки қисман) харидор томонидан келишилган муддат оралиғида кечиктириб тўланади. Бу эса кўп ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектларда капитал айланишини узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағларини етишмай қолишига сабаб бўладиган энг муҳим муомала турларидан биридир. Шунинг учун ҳам дебитор қарзлари бизнес фаолиятида кенг кўламда ўрганилиши шарт бўлган масала ҳисобланади.

2. Адабиётлар шарҳи.

Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлилга оид адабиётларда дебитор қарзларини айланишини таҳлил қилиш масалалари етарлича ёритилган. Бироқ, соҳага тегишли адабиётларни ўрганиш шу ҳолатни кўрсатмоқдаки, уларда ҳам дебитор қарзларини айланишини таҳлил қилиш масаласига турлича ёндашувлар мавжуд. Бу борада дебитор қарзларини айланишини таҳлил қилиш масаласи бўйича адабиётларда билдирилган фикрларни шартли равишда йирик икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчиси. МДҲ олимлари ва мутахассислари қарашлари.

Иккинчиси. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлардаги олимлар ва мутахассисларнинг ёндашувлари.

1. Республикамиз олимлари Рахимов, Қаландарова (2019), Пардаев, Исроилов, Исроилов (2017), Сагдиллаева, Чориев, Маҳмудов (2017), Россиялик олимлар Донцова,

Никифорова (2005), Вахрушина, Пласкова ва бошқа (2008) қатор мутахассисларни қарашича, хўжалик юритувчи субъектларда дебитор қарзларини айланишини таҳлил қилишда ҳисобот давридаги маҳсулот сотишдан соф тушум ҳамда жами дебитор қарзларини ўртача миқдори кўрсаткичларидан фойдаланиш кўрсатиб ўтилган. Бизнинг фикримизча, бу тартибда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад кўрсаткичи билан бир мазмунда берилмоқда. Бироқ, амалий бизнес фаолиятида мазкур тушунчалар бир-бирларидан, ҳам мазмунан, ҳам маълумот олиш манбаси жиҳатдан жиддий фарқ қилувчи томонларига эга. Айниқса, йирик турдаги корхоналарнинг ҳисобот даври якунида уларнинг фарқини яққол кўриш мумкин (Фақат, айрим ҳолатларгина истисно қилинади).

Бундан ташқари, жами дебитор қарзларини ўртача миқдори кўрсаткичларидан фойдаланиш мазкур турдаги маблағни айланиш тезлиги ҳамда даврини тижорат татибидаги ҳамда тижорат тартибида бўлмаган ҳолатлар бўйича ажратиб аниқлаб бера олмайди.

Юқоридаги ҳолатлар дебиторлик қарзларини айланишини кўрсатувчи кўрсаткичлардан келиб чиқиб ёки уларга асосланиб амалга ошириладиган барча ҳисоб-китобларни аниқ бўлишига салбий таъсир этади.

АҚШлик олимлар Lavrence Revsin, Daniel W. Collins, W. Bruce Johnson (1999), Donald E. Kieso, J. Weygandt, Terry D. Warfieldлар (2004) эса бу борада сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад ҳамда тижорат тартибидаги дебитор кўрсаткичинини олмоқдалар.

Бу ҳолатда дебитор қарзларини айланишини ҳисоблашда маҳсулот сотишдан соф тушум кўрсаткичи эътиборга олинмаяпти. Ўтказилган тадқиқот натижалари кўрсатмоқдаки, сотилган маҳсулот ҳажми ёки сотишдан олинган даромад кўрсаткичи ҳар доим сотишдан соф тушум кўрсаткичи билан бир хил бўлмайди.

Фақат тижорат тартибидаги дебитор қарзлари кўрсаткичларидан фойдаланиш эса, жами дебиторлар ҳамда тижорат тартибида бўлмаган дебитор қарзлари бўйича айланиши эътибордан четда қолдиришга олиб келади.

Биз мазкур мақолада ўрганилаётган масалага оид фикрларидаги ўзига хослик ва уларни янада такомиллаштириш бўйича ўз қарашларимизни билдирмоқчимиз.

3. Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ҳозирги давр иқтисодий муносабатларида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятидаги дебитор қарзлари субъектив воқеликнинг натижаси бўлиб, у тобора бизнес фаолиятининг ажралмас қисми бўлиб бормоқда. Мисол учун, амалдаги "Бухгалтерия баланси"нинг (1-шакл) актив қисмининг "Жорий активлар" бўлимидаги 210- дан то 310 моддалар фақат дебитор қарзларини акс эттириб беради. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда хўжалик юритувчи субъектлардаги "Бухгалтерия баласи"да (Balance sheet) ҳам дебитор қарзларига оид моддалар мавжуд. Бундан кўринадики, дебитор қарзлар, уларнинг таркиби, улар тўғрисидаги маълумотлар, маълумотларнинг ўзгариши хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тушинишда ҳамда улар бўйича тўғри бизнес қарорларини қабул қилишда ўта муҳим аҳамиятга эга.

Ҳисоб тизимида дебитор қарзларини таҳлил қилиш учун, аввало унинг таркибини тўғри белгилаб олиш керак. Шу билан бирга дебиторлик қарзларини таҳлил қилишнинг асосланган тизими бўлиш зарур. Бу борадаги хорижий тажрибаларига эътибор берсак, уларда халқаро талабларга жавоб берадиган ҳамда умумий уйғунликка эга тизим бор ва у яхши ишламоқда.

Республикамизда молиявий ҳисоботларни яқин келажакда халқаро стандартлар асосида тузишга ўтишни эътиборга олсак, миллий ҳисоб тизими учун синовдан ўтган, тажрибалардан тўпланган ва яхши амал қилаётган хорижий усуллар бор, албатта. Миллий ҳисоб тизимда амалдаги халқаро тажрибалардан самарали фойдаланиш мумкин.

Бироқ, тайёр усуллардан фойдаланиш ёки уларга ўхшаш бўлиш учун биз мавжуд халқаро тажрибаларни ҳар томонлама ўрганишимиз керак бўлади. Бунинг учун қуйидаги вазифаларни бажариш талаб этилади:

1. Миллий ҳисоб тизимидаги молиявий ҳисобот тузиш ва тақдим этишни молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтказиш.

2. Ривожанган мамлакатлардаги хўжалик юритувчи субъектларда қўлланилаётган усулларни миллий иқтисодиётдаги мавжуд муносабатларнинг ўзига хос томонларини эътиборга олган ҳолда ўз ҳисоб тизимимизга мослаштириш.

Молиявий ҳисобот шаклидаги ахборотларни халқаро талаблар асосида эълон қилиниши хорижий ҳамкорлар билан бир хил тушунчалар асосида фикрлаш, бир-бирларини муаммосиз тўғри тушиниш ҳамда ўзаро мулоқатларга киришиш жараёни осонлаштириш ҳамда тезлаштириш учун зарур ҳисобланади.

Дебитор қарзлари айланиши таҳлилида ҳам бир қатор мунозара талаб этадиган масалалар ҳам борки, уларни ҳам ўз вақтида мақбул ечимини топиш ҳисоб тизимидан олинмаган маълумотлар ва ахборотларни объективлигини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, бизнес қарорларини қабул қилишда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган асосланган маълумотларни етказиб беради. Шу сабабли ҳам дебитор қарзларини айланиш сонини ҳамда даврни кўрсатиб берадиган кўрсаткичларни аниқлаш тартиби ҳамда уларда қўлланиладиган маълумотларни давр талаблари асосида қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, МДҲ ҳамда мамлакатимиздаги соҳага доир кўплаб адабиётларда дебитор қарзларини айланиш сонини қуйидагича аниқлаш тавсия этилган:

$$D_{ка} = C_{ст} / D_{кў} \quad (1)$$

Бу ерда: $D_{ка}$ – дебитор қарзларини айланиш сони;
 $C_{ст}$ – сотишдан соф тушум;
 $D_{кў}$ – дебитор қарзларини ўртача қиймати.

Дебитор қарзларини айланиш даврини аниқлаш эса қуйидаги тартибда берилган:

$$D_{кад} = (D_{кў} * 360) / C_{ст} \quad (2)$$

Бу ерда: $D_{кад}$ – дебитор қарзларини айланиш даври, кунда.

Ушбу 1- ҳамда 2- формулаларда келтирилган формулаларга маълумотлар амалдаги Молиявий ҳисоботнинг 1-шакли “Бухгалтерия баланси” ҳамда 2-шакл “Молиявий натижалар тўғрисида” ги ҳисобот шаклларида олинади.

Дастлабки қарашда мазкур икки формулада ҳам ҳеч қандай камчилик йўқдек туюлади. Бироқ, биз ҳар бир фойдаланиладиган маълумотни асл мазмунини кўриб чиқсак жиддий муаммоли масалани кўришимиз мумкин. Айнан мана шу муаммоларни ҳал этилмаганлиги мазкур ҳисоблаш тартибида аҳамиятли камчиликлар борлигини билдиради.

Эътибор берилса, юқоридаги икки формулада ҳам сотишдан соф тушум ($C_{ст}$) маълумоти ишлатилмоқда. Ушбу маълумот амалдаги Молиявий ҳисоботнинг 2-шакли “Молиявий натижалар тўғрисида”ги ҳисоботнинг “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” деб номланган 010-сатрдан олинади. Эндиги навбатда ушбу сатрга тегишли расмий манбалардаги кўрсатмаларга эътиборимизни қаратамиз.

Биринчи расмий манбада - “Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум” моддаси бўйича (010-сатр) маҳсулот, товарлар, ишлар ва хизматларни сотишдан олинган тушум кўрсатилади, бунда солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари чегирилади.

010-сатр асосий (операцион) фаолиятдан даромадларни ҳисобга олиш ҳисобварақлари (9000) маълумотлари бўйича тўлдирилади.

Асосий фаолияти мол-мулкни ижарага (лизингга) бериш ҳисобланган корхоналар 010-сатр бўйича жорий ҳисобот даврига тегишли бўлган даромад суммасини акс эттирадилар.

Воситачи корхоналар 010-сатрда комиссия ҳақлар суммасини акс эттирадилар, деб кўрсатма берилмоқда (Буйруқ, 2002).

Иккинчи расмий манбада эса “Асосий (операцион) фаолиятнинг даромадларини ҳисобга олувчи счётлар” да (9000) - тайёр маҳсулот, товар, бажарилган иш ва кўрсатилган хизматларни сотишдан олинган даромадлар, шунингдек сотилган товарларнинг қайтиши, сотиш ва баҳолардан чегирмалар тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш қуйидаги счётларда амалга оширилади:

- 9010 "Тайёр маҳсулотларни сотишдан даромадлар";
- 9020 "Товарларни сотишдан даромадлар";
- 9030 "Ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатишдан даромадлар";
- 9040 "Сотилган товарларнинг қайтиши";
- 9050 "Харидорлар ва буюртмачиларга берилган чегирмалар", деб кўрсатма ёзилади.[3]

Эътибор берилса юқоридаги икки расмий манбада маҳсулот сотишдан соф тушум билан маҳсулот сотишдан даромад бир хил тушунча тарзида қайд қилинмоқда. Аслида шундайми?

Амалиёт тажрибаларидан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, сотилган маҳсулот учун тўланиши керак бўлган пул маблағи хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварағларига тушса ва тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланса, ана шу ҳолатдагина келиб тушган пул маблағи маҳсулот сотишдан ялпи тушум деб аталади. Сотишдан ялпи тушумдан унга тегишли бўлган солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари (агар мавжуд бўлса) чегирилгандан сўнг қолган сумма - маҳсулот сотилишидан соф тушум деб номланади.


Тайёр маҳсулотни сотишдан даромад - хўжалик юритувчи субъектда ҳисоблашиш принциpidан келиб чиқиб сотилди деб ҳисобланган, мазкур муомала тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган ҳолатдаги маҳсулот сотиш ҳажмидаги қийматдир. Маҳсулотни сотишдан даромад таркибида сотишдан солиқлар (қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи) ҳамда қайтарилган товарлар ва тайёр маҳсулотнинг қиймати, харидорнинг сотиш нархларидан чегирмалари бўлмайди. Ушбу кўрсаткични ҳисобда қайд қилиш ёки тан олиш сотилган маҳсулот учун тўланиши шарт бўлган пул маблағи оқимини қачон ва қай тартибда содир бўлишига боғлиқ эмас.

Айтилганлардан маълум бўлмоқдаки, маҳсулот сотилишидан соф тушум ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир хил мазмун касб этмайди (Фақат, айрим ҳолатларгина истисно қилинади).

Таъкидлаш керакки, ҳисобга олинadиган иқтисодий муомалалар жуда мураккаб тасниф касб этади. Башарти, субъектда ҳисобот даврида 100 миллион сўмлик маҳсулот сотилса, сотилган маҳсулот учун тўлов олдиндан ёки ўз вақтида амалга оширилса, бу ҳолатда маҳсулот сотилишидан соф тушум ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир бирларига миқдор жиҳатдан мувофиқ келади. Ҳар икки тушунчадан бирини бир мазмунда турли масалаларни кўриб чиқишда фойдаланса бўлади.

Бирок, субъектда ҳисобот даврида 100 миллион сўмлик маҳсулот сотилса, сотилган маҳсулот учун тўловни 70 миллион сўми мазкур ҳисобот даврида тўланган бўлса, 30 миллион сўм эса дебиторлик қарзи бўлиб кейинги ҳисобот даврига ўтказилса, бу ҳолатда маҳсулот сотилишидан соф тушум ҳамда тайёр маҳсулотни сотишдан даромад тушунчаси бир бирларига мувофиқ келмайди. Чунки, ҳар икки тушунча миқдор жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қилмоқда. Уларни бир-бирларига тенг келиши учун ҳисобот даврини ўзи етарли бўлмайди. Ҳар икки тушунчадан бирини бир мазмунда турли масалаларни ҳал этишда фойдаланиб бўлмайди. Башарти шундай ҳолат рўй берса ҳам ҳисоб-китоб ёки таҳлил натижалари тўғри бўлмайди.

Мазкур муаммони ечимини қуйидаги расмда кўрса бўлади.



1-расм. Ҳисобот даврида тайёр маҳсулотни сотишдан даромад кўрсаткичини юзага чиқиши ҳамда пул маблағига айланиш ҳолати

Расмдан кўриниб турибдики, тайёр маҳсулотни сотишдан даромад кўрсаткичи гарчанд маҳсулотни юз фоиз сотилгандек кўрсатсада, аслида унинг 70 фоизи ҳисобот даврида ҳақиқатдан пул маблағига айланди ва навбатдаги ҳисобот даври бошланишида субъект фаолиятига қайта киритилади. Маълумки, бизнесда субъект фаолиятида пул маблағини етарли бўлиши капитал айланишини узлуксиз ва бир маъромда, тўловга лаёқатли бўлиш ҳамда молиявий барқарорликни асосий шартларидан биридир. Дебитор қарзларини 30 фоизи эса 360 кунда эмас, балки ундан ортиқ муддатда айланаётганини кўриш мумкин.

Агар ушбу ҳолатни юқоридаги маълумотлар иштирокида ҳисобласак қуйидаги ҳолатлар номоеён бўлади.

1. Тайёр маҳсулотни сотишдан даромад кўрсаткичи қўлланилгандаги ҳолат.

$$100 / 30 = 3,3$$

Демак, ҳисобот даврида маҳсулот сотиш бўйича дебиторлик қарзи 3,3 марта айланган. (Бу ҳисоб китобда дебиторлик қарзи кўрсаткичини ўртача миқдори олиниши керак эди. Бироқ, дебиторлик қарзи кўрсаткичини ўртача миқдори ҳам мазкур суммага яқин бўлар эди. Шу сабабли 30 миллион сўм шартли равишда олинди.)

2. Ҳисобот даврида маҳсулот сотилишидан тушган тушум кўрсаткичи қўлланилгандаги ҳолат.

$$70 / 30 = 2,3$$

Ҳисобот даврида маҳсулот сотиш бўйича дебиторлик қарзи 2,3 марта айланган.

3. Фикримизча, ҳисобот даврида маҳсулот сотилишидан тушган тушум кўрсаткичи қўлланилгандаги ҳолат ҳақиқий ҳолатни тўғри натижасини бермоқда. Чунки, мазкур ҳисоб китоб келиб тушган пул маблағига асосланмоқда.

Таҳлилда муҳим эътибор фарқ кўрсаткичи 1ни (3,3-2,3) қисқартиришга қаратилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Фарқни юзага келтирган ҳар бир омилларни аниқлаб, уларнинг фарқ кўрсаткичига таъсирини ҳисоблаш ҳамда бу борадаги аниқ таклифларни ишлаб чиқиш таҳлил қилиш мақсадларидан ҳисобланади.

4. Хулоса ва таклифлар.

Юқорида билдирилган фикрлардан келиб чиқиб дебитор қарзлари айланиши таҳлилини такомиллаштириш бўйича қуйидаги хулосаларимизни билдириб, бу борадаги таклифларимизни айтиб ўтаемиз.

Миллий ҳисоб тизимида хўжалик юритувчи субъектлар тузиб тақдим этадиган молиявий ҳисоботнинг "Бухалтерия баланси" шаклидаги "Жорий активлар" бўлимида акс эттириладиган "Дебиторлар" га тегишли моддалар молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ҳамда ривожланган мамлакатлардаги бу борадаги илғор тажрибалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилиши зарур.

Молиявий ҳисоботда тақдим этилаётган ахборотларни миллий иқтисодиётдаги янги муносабатлар ҳамда халқаро ҳисоб амалиёти талабларини эътиборга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш, бу борадаги муамоларни давр талаблари асосида ҳал этишдаги муҳим тадбирлардан бири бўлиб хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова: "Молиявий ҳисобот шакллари тўлдириш бўйича қоидалар" да белгиланган Молиявий ҳисоботнинг 2-шакли "Молиявий натижалар тўғрисида"ги ҳисоботнинг "Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан соф тушум" деб номланган (010-сатр) моддани "Маҳсулот (товарлар, ишлар ва хизматлар) сотилишидан даромад" деб номланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бу билан ахборотнинг шакл ва мазмуни бирлиги таъминланади ҳамда шаффофлиги янада ортади. Миллий ҳисоб тизимидаги дебитор қарзлари айланиши таҳлили қилиш натижаларининг аниқлиги ошади.

Таклиф қилинган тартибни амалиётга қўлланилиши миллий ҳисоб тизими усулларини халқаро усулларга уйғунлашувидаги яна бир муҳим қадам бўлади.

Адабиётлар:

Lavrence Revsin, Daniel W. Collins, W. Bruce Johnson. (1999) Financial reporting and analysis. Prentice Hall, Inc. Simon & Schuster / Aviacom company. (USA) 967 p.

Donald E.Kieso, J.Weygandt, Terry D.Warfield. (2004) INTERMEDIATE ACCOUNTING. John Wiley & Sons, USA. 1332 p.

Буйруқ (2002) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли буйруғига 1-сонли илова: “Молиявий ҳисобот шаклларини тўлдириш бўйича қоидалар”

Вахрушина М.А., Пласкова Н.С. (2008) Анализ финансовой отчетности: учебник. – М.: Вузовский учебник. -367 с.

Донцова Л.В., Никифорова Н.А. (2005) Анализ финансовой отчетности: учебник. – 3-е изд., перераб. и доп.-М.: Издательство “Дело и сервис”.-368 с.

Рахимов М.Ю., Қаландарова Н.Н. (2019) Молиявий таҳлил. Дарслик.-Т.; “Iqtisod-Moliya”, 736 б..

Пардаев М.К., Исроилов Ж.И., Исроилов Б.И. (2017) Иқтисодий таҳлил Ўқув қўлланма.-Т.; 534 б.

Стандарт (2000) 21-Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандарти.

Сагдиллаева З., Чориев И., Маҳмудов А., Юлдашева У. (2017) Иқтисодий таҳлил Касб-ҳунар коллежлари учун дарслик. .-Т.; “Iqtisod-Moliya”. -404 б.

Фармон (2017) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармонида 1-ИЛОВА “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси”.